



ҲИКОЯДА ДАРАХТ – ШАЖАРА ТИМСОЛИ

Алфраганус университети
Махматкулова Зарина Нуриллаевна

Аннотация

Замонавий ҳикоячиликда дарахт тимсол таражиги олиб чиқан ёзувчилар кўп. Бироқ Шодикул Ҳамро ижодида коммунистик мафкураинг аянчли манзараси, исмсиз дарахтнинг тақдири, бир оила, муҳит қиёфасига таъсирини хилма-хил эпизодларда очиб берилади. Бу жиҳат ушбу мақолада қай йўсинда инкишоф қилингани тадқиқ этилди.

Калит сўз: ҳикоя, ифода, рамз, дарахт, тасвир, миф, оила, муҳит.

Маълумки, Шодикул Ҳамро поэтик изланишларида мавзунинг ранг-баранг қирралари билан бир қаторда ҳикояга сингдирилаётган муаммо кўламининг нечоғли долзарблигини ҳам эътибордан соқит қилиб бўлмайди. Ёзувчи Фарбу Шарқ ҳикоячилик анъаналарида “урф” бўлган талқин ўзига хослигини миллий характер руҳиятидан келиб чиқиб ёритишга интилади. Бироқ баъзи ҳикояларида айрим бадий безаклардан кўра, фалсафий-эстетик мушоҳада залвори асар тўқималарида жилваланади. Унда ҳикояга қўйилган мавзу ҳамда муаммо хотимада чиройли бир тарзда яқунланади. У ҳам такрор ва ёзувчининг ўз шахсий мушоҳадаси сингари хотималанади.

“Ҳикояга материал танлай билишнинг ўзига хос хусусиятлари бор. Ёзувчи жуда кўп, бой ва эътиборли ҳаётий материални ўрганган, уни эгаллаган бўлиши мумкин. Аммо бу билан иш битмайди. Ҳамма воқеаларни асарга киритавериш ғоявий тарқоқликка олиб келади. Бу ўринда новеллист маҳорати асар ғоясигагина хизмат қилувчи материални чегаралаб ола билиши билан баҳоланади. Машҳур француз ёзувчиси Буало айтганидек, ҳаётий материални асарга киритишда ёзувчи ўзини жиловламагунча ёзувчи бўлолмайди”¹³. “Ҳовлидаги дарахт” ҳикоясида отанинг оиладаги ўрни нечоғли муҳим эканлигини кўрсатишдан

¹³ Адабий тур ва жанрлар. 1-жилд. –Т: ЎзФА. “Фан”. 1991. –Б.71.





иборат. У ўз отасининг бобосига бўлган муҳаббати, уни шу муқаддас заминга боғлаб туриши, ўтмишига қараб, келажагини, ҳозирини кўра билиши, тушуниши шулар жумласидандир. Одамларнинг шафқатсизлиги сабаб қадим анъаналар ҳам кунпаякун бўлади. Ёзувчининг ҳикоядаги тасвир усуллари шиддатли тус олади. Воқеалар тез суратларда ечим томон ҳаракатланади.

Франц Кафка ҳикояларида ҳам рамзлар, метафоралар худди рухий оламимизга азалдан ўрнашиб олган ёвузликнинг устидан музаффар бўлиш учун хизмат қилади. Шодиқул Ҳамро ўз қарашларида Кафка қўллаган тасвир усуллари синтезлайди. Натижада, Кафка бадииятидан бошқачароқ шакл юзага келади. У ўзбекона урф-одатлар, “Авесто”даги Зардушт таваллоси сингари, ички интуициви ишончининг чуқурлашиб кетганини далолатлайди. Ҳикояда Отанинг дили ҳеч хотиржам бўлмайди. У шундай қайғу, ғам-ғуссага ғарқ бўладики, дарахтнинг тақдири билан бир умр мушоҳада қилиб яшайди, умр кечиради. Дархатнинг одамларга соя бериши, ёки мева беришида эмас, у бобосидан мерос тан эканлигини, уни ҳар кўрганида эслатиб туришини реаллаштиради. Бу ҳақда Умар Хайём фалсафасини келтириш лозим: “Айнан шу масала Хайём фалсафасининг асосини ташкил этади. Инсон олам узугининг кўзи – гавҳари (жавҳари) бўлгани ҳолда, ўз мавжудлиги мобайнида асл моҳиятини ва бу моҳиятнинг чегараларини англаб етишга қодир эмас. натижада унинг ҳаёти абсурдга айланади. Инсон охир-оқибат ўлимга қараб борадиган зот экан, унинг дунёга келиб-кетганидан нима фойда? Эҳтимол, бу оворагарчиликдан бир йўла кутулиш учун ёруғ дунёга келмай қўя қолган маъқул эмасми? Чунки:

Олам бари меҳнат, кунларимиз ғам,
Фалак иши офат, айёми ситам.
Ҳар ён назар солдик, кўп кездик олам,
Бирор кимса йўқдир дили хотиржам”¹

Файласуф ва мунаққид, шоир Абдулла Шер талқинча Хайём келтирган битиклардаги азал ва абад орасидаги муайян макон, замон инсоният бошига тушган қулфатларнинг нечоғли кўп эканлиги, гуноҳдан фориғ бўлиб жаннатга кириш, Аллоҳга истиғфор айтиш, тавба ҳамда итоат билан ўзининг яратувчисини

¹ Абдулла Шер. Абадият ва умр. –Т: “Файласуфлар” нашриёти. 2017. –Б.39.





таниш концепцияси туради. Бу самимият бағрида Кафка ҳам, Шодикул Ҳамро ҳам ўзлигини қидириш пайида қалам сураётган ожиз бани башарнинг бир бўлагидир. Чунки кўнгил тўлмаслик, асарларидаги нотугал сюжет чизиқлари “Ҳовлидаги дарахт” ҳикоясида ҳам бўртиб кўринади. Ҳикоянинг воқеалари орасида Кафкага ўхшаш узилиш, тасвирдаги шиддат ҳамда рамзларнинг, ишораларнинг тайинли хулосага олиб оровчи ифоданинг кўп қиралиги ҳам сабаб бўлиб туюлади. Масалан, Шодикул Ҳамро ҳикояда муқаддимадан кейин, яни тугун, конфликтнинг бошланшиида бирданига воқелик баёнига (сабаб) ўтиб кетади. Ана шу ерда узилиш содир бўлган. Чунончи **“Отам нафақат дарахтни, умуман, яшилликни севар эди”** жумласидан кейин поезддаги воқелик, отанинг олти ярим йилга қамоққа тушиши, туҳматдан азият чекиши хусусида сўз боради. Шу ўринда дарахт қандай экилган, унинг тарихи қандай деган саволга ҳам жавоб топиш мумкин.

“Бизнинг авлоддан авлодга ўтиб келаётган ягона ёдгорлик, отамнинг айтишича, ҳовлимиздаги мана шу йилда икки марта гуллайдиган дарахт экан. Бобомнинг бобосими, балким унинг ҳам бобосими, хуллас, кунлардан бир кун шом маҳали кўлидаги ҳассасини ариқ лабига суқиб, ўзи таҳорат олгани ўтирибди. Бобом таҳоратни олиб, ҳассага қўл узатмоқчи экан, шу пайт мўъжиза юз берганини кўриб, хайратдан ёқа ушлаб қолибди: ариқ лабига суқилган ҳасса ниш отиб кўкараётган эмиш... Гу заҳотиёқ бобом: “Эй жонивор, сенинг танингда намлик бор экан-у, мен шунча вақт гуноҳга ботиб судраб юрибман... Майли, угтю-ўсгин”, – дея ҳассасини шу ерда қолдирибди. Шу-шу то дунёдан кўз юмгунча ҳассага эҳтиёж сезмабди. Ўлим тўшагида ётганда эса ўғилларига: “Менинг ҳасамдан кўқарган ана у дарахт хосиятли. Уни сизларга қолдираман, кўз қорачиғларингдай асранглар... Кулоқларингда бўлсин, кимки бу дарахтни хор қилса, ўзи ҳам дунёдан хор-зор бўлиб ўтади”, – деб васият қилиб, оқ фотиҳа берган экан”².

Кўриб ўтганимиз каби, ёзувчи ҳар қандай вазиятда воқеликка янгича миф, асотир, ирим-сиримларни уйғунлаштирмоқда. Отанинг болага, боланинг неварасига қарата айтган ўғитлари ҳақиқатдан ҳам ўринли. Ёзувчи ровий

² Шодикул Ҳамро. Кўк кўл. –Т: “Янги аср авлоди”. 2025. –Б.6.





нутқини бироз индивидуаллаштиради. Ҳикоядаги тасвир элементлари, ихчам деталлар, тез суратда намоён бўладиган услубий ўзига хослик сюжет ҳамда композицион талқинни барқарорлаштиради. Айни дамда, адибнинг ҳар қандай ғояни мутлақ ҳақиқат деб қараш мумкин эмаслигини ҳам билиш қийин эмас. Бундай усул Исажон Султоннинг “Ота” (Қисмат), “Манзил”, “TOOD” номли ҳикояларида, Кафканинг “Очлик санъати”, “Ҳукм”, “Кичкина аёл”, “Эврилиш” каби ҳикояларида ҳам мифологик қатламда инсон руҳиятига яқинлашиш, шу орқали жамият ва одамлар кайфиятига муносабат билдириш муҳимлигини кафолатлайди. Жами шу образларда одамнинг руҳий-ижтимоий ёлғизлиги, тушуниксиз бир ҳаёти талқин этилади.

“Асримиз бошларида Ғарб тафаккури анъанавий қадриятларни кунпаякун қилиб ташлади: тажриба баҳонаси “уч мезонли олам” тушунчаси моддийлаштирилди, қолипларга солинди; сўнгра инсон табиати ва дунёнинг астари ағдариб кўрилди. Тақиланган, бошқача туюлган, номаълум нарсалар Ғарбнинг касал нигоҳини ўзига қаратди. Одатдаги, анъанавий ижобий нарсаларга қизиқиш сусайиб кетди, кадрсизланди. Европа тафаккурининг мана шу пойдор дстури XX аср адоғида Ғарбнинг умумий ҳолатини ва маданий йўналишини белиглаб берди”³. Келтирилган лавҳада Ғарб адабий-бадий тафаккурига хос хусусиятлар ҳамда мифологик арашларнинг бадий асардаги талқини, миф, асотирларнинг янгиланиши борасида кўп қиррали размлардан фойдаланиш муҳимлиги ҳам эътиборга шоёндир. Чунки мифни янгилаш эса бадий нуқтаи назар, ғояни янгилашга бориб уланади. Ғоя азалий қадриятларни парчалаб, тамомила янгича шаклда юзага чиқариши, ёзувчи индивидуал услубининг ажралмас қисмидир. Мана шу тамойил одамларнинг кайфияти, руҳияти, қадрият билан чамбарчас боғлиқдир:

“Отам бетобланиб қолганида дарахтимизнинг куртак ёзишига ўн кунлар қолганди. Шомга яқин кетмонни кўтариб даладан қайтган отам, “Этим увишиб кетяпти”, – дея кўрпага ўраниб олди. Кундузи иш жойида нам ерга ётиб бироз мизғиган экан.

³ Чингиз Айтматов, М.Шохонов. Чўккида қолган овчининг охи зори. –Т: Zarqalam“. 2019. –Б.143





Онамнинг “шифокор чақирайлик” деганига сира кўнмади. “Эрталабгача ўтиб кетар, устимга кўрпаларни қалинроқ ёпинглар”, – деди у. лекин туни билан “Оҳ-воҳ” қилиб, эрталаб белида хуруж қилаётган оғриқнинг зўридан бутунлай туролмай қолди.

Онам шифокор чақирди ва отамни касалхонага ётқизадиган бўлишди. Уни ҳовлимиздан олиб чиқаётганда: “Дарахтга кўз-қулоқ бўлинглар”, – дея қайта-қайта тайинлади. Бу гапдан биз болалар қандайдир хушёр тортиб қолдик”⁴.

Мазкур парчада ҳикоянинг кульминацион нуқтаси акс этаган. Унда отанинг бетоблиги ва қўл-оёқдан, юришдан қолиши-ю, катта ўғилнинг дарахтанд ухта шох кесиб, Муҳожирга бериши, кимдир буни кўра олмай тагига қуритадиган илдизга дори қуйиб кетиши баён этилади. Чунончи Ота ўз блаларига дархатни асраб авайлаш муҳимлигини минг бора қутирмасин, катта ўғил нобакор иш қилиб, ота васиятига тескари ишни қилади. Буни кичик ўғил эса Отага ҳамма бўлиб ўтган воқеаларни етказади. Шундан кейин Отанинг батдар тоби қочади. Ҳикоядаги воқелик, ўй-хаёллар билан ўқувчининг ичида, ички оламида яшайди. Чунки ўша оламнинг поэтик хусусиятлари Ота ва фарзанд, бу ҳаётнинг туганмас лаззати, бахт ва бахтсизликнинг чегараси янглиғ таассурот уйғотади китобхонда.

Қуйида Франц Кафка ва Шодикул Ҳамро бадиий композицияга алоҳида мантикий урғу бериш тамойилини талқин этиб кўрамиз:

1. **Франц Кафка** мифологиясида қаҳрамонлар ҳаддан зиёд рухий зўриқишни бошидан ўтказади. Биргина воқелик эвазига унинг қаҳрамонлари катта бир азобу уқубатларга гиритор бўлади.

2. **Франц Кафка** ёлғизлик ва тушкунлик формуласини рассом каби мавҳум ушунчалар негизида реаллаштиради.

3. **Шодикул Ҳамро** миллий қадриятларимиз, ўзбекона лутф ва фазилатларимизга қдаим мифологик образлар, эпосдан ўсиб чикқан характер яратиш маҳоратини тартиблаштиради.

4. Инсоннинг майл ва истаклари, ҳаёт ҳақиқатини амалга оширишдаги тажрибалар. Изланишлар синтези Шодикул Ҳамро адабий усулларида Ғарб

⁴ Ўша ҳикоя, -Б.8-9.





эстетикаси, ҳамда фалсафасининг Фрейд, Юнг, Фромм назариясига муқоясаланади.

5. Адабий танқидчилик ҳали бу икки ёзувчини қиёсан тўлақонли ўрганган эмас. Биз ушбу тадқиқотмизи доирасида ҳар иккала ёзувчининг адабий ҳаёт сахнасида роль ижро қилаётгани қаҳрамонлари табиати, характери, эзгулиги, ёвузлиги, жамият аъзоларига муносабатини тўлақонли очиб беишдир.

Келтирилган шартли таснифлар адабиётнинг муҳим жиҳатларига эътибор қаратиш лозимлигини ҳам тайин этади. Шу маънода, инсон руҳияти –XX аср ибтидоси, биринчи жаҳон уруши йилларидаги З.Фрейд назарияси таълимоти билан суғорилган ҳикоя арихтектоникаси ҳам юқоридаги мулоҳазаларимизни тўлақонли қувватлайди.

Машҳур психоаналитик Зигмунд Фрейд қарашлари ҳар бир ёзувчи ижодида алоҳида аҳамият касб этади. Мунақид ва ёзувчи Н.Эшонқул: “Фрейд юнон ва ислом алломалари назарида яхлит бўлган, лекин кейинчалик ажралиб кетган психология билан адабиётнинг бошини яна қовуштириб, умумий ришталарни боғлаб берди. бу тадқиқоти билан Фрейд фпни адабиётга яқинлаштирди, инсонни ўрганишнинг илмий-бадий даврини бошлаб берди. инсон – оламнинг, дунёнинг, илоҳиётнинг, қоинотнинг рамзи, тимсоли, мажозидир. Фрейд инсон ботини. Руҳияти, ички олами тимсоллар, рамзлар дунёси эканини яна бир бор исботлади. Адабиёт эса бу тимсолларни талқин қилишга кишиди”⁵. Мана шу жиҳатга эътибор қилинса, инсон тақдирига бефарқ бўлмаган Ф.Кафка, Ж.Жойслар авлоди рамзларга бурканган воқелик синдромини намоён қилади. Шодиқул Ҳамронинг “Ҳовлидаги дарахт” ҳикоясидаги – дарахт моҳиятга қаратилган, миллат сажиясига туташтирилган сюжет чизиқларини ёдимизга туширади.

Мунақид И.Ғафуров қайд этишича: “Экзистенциал вақт такрорланмас, тугал ва ўз сифатига эга, худди қисмат каби юзага чиқади, дейди Хайдеггер. Замин пучмоқларида эса қисматдан ортиқ сир-синоат йўқ. Исажон Султоннинг ўта шоиртабиат персонажи – ўн тўрт яшар хаёлчан йигитча зовурнинг қорамтир сувларини ғусса деб атайди. Балиқларни эса олам қисматини сузиб олиб юрувчи

⁵ Назар Эшонқул. Ижод фалсафаси. –Т: “Академнашр”. 2018. –Б.45.





деб билади. Бу фавқуллода синчков ва таъсирчан болакай фақат экзистенциал улуғ асарларнинг қаҳрамони бўлиш-чун яралгандай”⁴. Кўринадики, Исажон Султоннинг ноёб шоиртабиат қалбида акс-садо бераётган онг ва туйғу нисбати борлиқни ўз номи билан ҳам, ўзига тегишли ном билан ҳам аташдан чўчимайди. У мулки борлиқда рўй бераётган тизгинсиз ўзгаришлар, воқеларни ўзига тегишлигина қалб орқали ҳис қилади. Қаҳрамонлари ҳам шу йўсинда воқеликка ўз позициясида туриб баҳо беради. “Ҳовлидаги дарахт” ҳикоясидаги битта жиҳатга эътибор берайлик: ҳикояда шафқатсиз жамиятдан зулм кўрган бир оила тақдири тасвирланса, ёзувчининг бу ердаги мақсад муддаоли тарзида қабул қилиш лозим. Яъни оила ва инсон қисмати ҳар бир ўғил тақдирида ўзига хос очқич калит вазифасини ўтамоқда. Қисматга ишонган, шу залда умр кечирган жамият эса охир-оқибат фожеага юз тутди. Бу ўринда ёзувчи мифологик киритма негизда жамият тақдирига бефарқ бўлмаган инсон иродасини синовдан ўтказди. Натижада, қаҳрамон руҳий ҳолати янада жонли тасвирларда намоён бўлади. “Ҳовлидаги дарахт” ҳикоясидаги композицион усул анъанадан ташқарида, кучли драматизм, рамзлар, ишоралар, белгилар негизда ёритилади. Бир қарашда ҳикоядаги асосий ғоя ва мавзу инсон иродасининг заиф ва қудратли жиҳатларини синовдан ўтказди. Ожизлик ва кўрқоқлик, мардлик ҳамда олижаноблик сингари ботиний туйғулар силсиласида ота ва ўғил тақдири ўқувчига чигал вазиятларда ўзининг иродасига таяниб яшаш фалсафасидан сабоқ чиқаришга ундайди:

“Отамнинг кўнгли баттар хира тортди, у тирсақларига суяниб ёстидан бошини кўтарди ва қон тўлган кўзлари билан ҳовли юзасидан акамни излади. Акам ҳовлимизга кираверишда бир оёғи синиқ курсида бошини қуйи эгиб ўтирар эди.

– Шу гап ростми? – деди отам унга хириллаган овозда.

Онам, синглим ва мен нафасимизни ичимизга ютганимизча акамнинг оғзини пойлар эдик. Акам кўрқа-писа бошини кўтариб отамга қаради-да, сўнг яна қуйи эгди...

⁴ Фафуров И. Ёзувчи, табиат ва табиёт. Исажон Султон насри бадийати. –Т: “Турон замин зиё”. 2017. –Б. 20





– Демак, рост! – деди отам қаҳр билан, сўнг дона-дона оҳангда, – иккинчи бу ҳовлида қорангни кўрмай, Йўқол! – деб у ҳансираганча бошини ёстиқа ташлади.

Ҳовлидан акамнинг қандай чиқиб кетганини кўрмай қолибман, онам синглимнинг унсиз йиғлаётганидан англадимки, акам кетибди...

Буни отам ҳам сезди, лекин унинг юзида аллақандай қаҳр қотиб қолганди.

– Ўғлим! – деди отам менга, – дарахтнинг устига чиқиб, кесилган шохларига кара-чи?..

Мен кўз очиб юмгунча дарахтга чиқиб олдим, ростдан дарахтнинг тучта кичик шохчаси кесилган экан, қайчи ўтмас бўлганидан шохлар тишлаб тортилгандай, ғажиб ташланганди.”⁶

Ҳикоянинг энг характерли жиҳати шу ерда мужассам. Чунки кесилган шохлар ва тагига ёвуқларча сепиб илдизига ташланган дори, исмсиз дарахтнинг тақдиридан мунгли йиғини сасини ифодалаб турарди. Ота эса ўз боласидай азиз дарахтнинг вужудига инган азобни, қуриш, соб бўлиш ҳисларини кўз кўнгидан ўтказарди. Унга бир умр қараб, мр шомида соғлиқдан қолиб, шу дарахт деб овуниб бобомерос мўъжизанинг нақадар ҳақиқатни эслатиб турадиган шабадаси энди қайтиб тирилмагай. “Яхшидан боғ қолади – ёмондан доғ” мақолига эътибор қаратадиган бўлсак, айти шу концепция идрок ва шафқат тушунчасини намоён этади. Шафқатли бўлиш ҳатто табиатнинг бир бўлаги дарахт тимсолида инсон руҳиятига ижобий таъсир кўрсатади. Бундай ифода негизда Ғарб адабий-бадий тафаккури, балки Навоий асарларининг ҳам ўзига хос жиҳатлари юрагимизга умид бағишлайди. Ёзувчи қадим афсонани янгича талқин этаркан, айти дамда, муҳаббат ва нафрат бир-бирини тўлдирувчи, бири-иккинчисини инкор этаркан, ривожланиши аксинча кунпаякун бўлишини фикрловчи инсонга уқтиради.

Хулоса шуки, Шодиқул Ҳамро нафаат ҳикоялари, балки қиссалари билан ҳам ўзбек адабий танқидчилигида кенг ўрганилаётган асарлардан бири саналади. Ана шу мезон ёзувчининг ифода тарзида, олам ва одам муносабатлари тифизлашувида намоён бўлади. Инсон ҳар қандай вазиятда ўзлигидан кечмаслиги, ўзлик тушунчаси инсонга катта маънавий-руҳий иқлим сажиясини

⁶ Шодиқул Ҳамро, -Б.10.





туҳфа этишини далолатлайди. Жами инсоний фазилатлар – одамларнинг умидвор яшаши, бир-бирларига камарбаста бўлиши. Шафқатли ҳаёт кечиришини ҳам тақозо этади. Айни шу ўлчовдан баҳо берадиган бўлсак, ўзбек адабиётида рамзийлик шартли равишда Франц Кафка оламидан ҳам ўтби келган тасвир экзислари десак, хато қилмаган бўламиз.

